

АЙЁММИНГИЗ МУБОРАК! БУГУН — МИЛИЦИЯ КУНИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Полицияда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 87—88 (2728—2729)
1994 йил, 10 ноябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
2 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари шахсий таркибини, фахрийларини ва уларнинг оила аъзоларини милиция кўни муносабати билан самимий табриклайман.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлашда, халқимизга беҳадик яшаш ва меҳнат қилиш учун шароит яратиб беришда ички ишлар ходимларининг хизмати катта. Биз сизларнинг ишингиз қанчалик оғир ва шарафли эканини яхши биламиз. Ушбу байрам онларида жамиятдаги энг ёмон иллат — жиноятчиликка қарши шафқатсиз курашда, норасида болаларнинг уйқуси ширин ва осуда бўлиши учун, мунис оналарнинг ўз фарзандлари тақдирини ўйлаб хавотирга тушмасликлари учун, шу муқаддас заминда тинчлик ва адолат барқарор ва мўқим бўлиши учун жонларини фидо қилган жасур инсонларнинг порлоқ хотираларини яна

бир қарра миннатдорлик билан ёдга оламиз.

Милиция ходимларининг жасорати ва ҳалол меҳнати халқимиз томонидан юксак қадрланади ва муносиб баҳосини олади.

Ишончим комилки, сизлар бундан кейин ҳам ҳуқуқий давлат қуришда, жамиятимизда қонунийлик ва адолат мавқеини юксак даражага кўтаришда, эл-юртнинг тинчлигини таъминлашда бор куч-қувватингизни аямайсизлар.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик, бахт-саодат, Ватан истиқболи йўлидаги олижаноб ишларингизга равнақ тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати, раҳбарияти номидан барча ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларини касб байрамлари — Милиция кўни билан самимий муборакбод этаман.

Она-Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг бахт-саодати йўлида, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги масъулиятли ҳамда шарафли хизматларингизда омадлар ёр бўлсин.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик ва фаровонлик тилайман.

З. АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-лейтенанти.

УШБУ ЙИЛНИНГ ўтган даври давлатимиз ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар билан ифодаланди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи бошланди ва муваффақият билан амалга оширилмоқда. Президент, Олий Кенгаш ва республика ҳукумати томонидан амалга оширилаётган самарабахш чоралар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарорлигини, туб иқтисодий ўзгаришларни изчил амалга оширишни, Ўзбекистон фуқароларининг фаровонлиги ва тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш имконини бермоқда.

Бунга республика ички ишлар идоралари ва бўлинмаларининг ходимлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар, улар жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида олижаноб ишни бажариб келганлар, ҳозир ҳам ана шу ишни давом эттирмоқдалар.

Йилнинг якунланишига оз қолди. Милиция ходимлари ўтган 10 ой ичида қандай натижаларни қўлга киритдилар, қандай муаммолар ҳал қилинди, улар олдига қандай янги вазифалар қўйилмоқда?

Қўшни давлатлар ички ишлар идоралари ва бўлинмалари билан ишга доир алоқалар ва амалий ҳамкорлик ўрнатиш, республикамизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олишни кучайтириш, жиноятчи гуруҳларни, қурол-яроғ ва

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ғиёҳвандлик воситаларини сотишларни фош этиш, жиноятчи гуруҳлар томонидан содир этиладиган жиноятларга йўл қўймаслик ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Республиканинг чегара туманларидаги тезкор вазиятни барқарорлаштириш мақсадида "МДХ аъзоси бўлган давлатлар Ички ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим"ни бажара бориб, Мангит ва Наманган шаҳарларида Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятлари ички ишлар бошқармалари ходимларининг Туркменистон Республикаси Тошхўвуз вилояти ИИБ, Қирғизистон Республикаси Жалолобод ва Ўш вилоятлари ИИБ

вакиллари билан минтақалараро а м а л и й учрашувлари ташкил қилинди. Бу учрашувлар давомида ИИБ — ИИБ идораларининг жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган турларига, ғиёҳвандликка, автотранспортни олиб қочиш ва ўғирлашларга, мол ўғирлашларга қарши кураш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш йўллари ҳамда шакллари белгилан олindi.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада пул муомаласини



барқарорлаштириш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини байрам қилиш тартиби ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ва бошқа муҳим қарорларини бажара бориб, ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан республикада миллий валютани муомалага киритиш даврида тегишли жамоат тартибини таъминлаш бўйича ташкилий ҳамда амалий чоралар қўрилди, истеъмол

бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришга доир давлат дастурини рўйбга чиқаришга, савдо корхоналари, деҳқон бозорларининг ишини яхшилашга, ана шу соҳадаги ноҳуш вазиятларни ва жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга, шунингдек Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрам қилинган кунларда тегишли жамоат тартиби ва осойишталиқни таъминлашга таъсирчан ердан кўрсатилди.

Қўрилган тадбирлар натижасида шу йилнинг 10 ойи мобайнида валюта операцияларига доир қондалар бузилишининг 311 та, қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш еки сотишнинг 53 та факти аниқланди.

Дори-дармонларни гайриқонуний равишда олиб-сотиш фактларини аниқлашга алоҳида эътибор берилди. Натижада қўлга олинган ҳуқуқбузарлардан милиция ходимлари умумий қиймати 3,5 миллион сўмдан зиёд бўлган 150 номдан ортиқ турли хил дори-дармонларни мусодара қилдилар ва давлатга топширдилар.

Ички ишлар идораларининг ходимлари турли товар-моддий бойликларни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқилишининг олдини олишга катта ҳисса қўшдилар. Бунинг учун ИИБ шахсий таркибининг кучи билан республика чегараларида мустаҳкам тўсиқлар қўйилди.

(Давоми 2-бетда).



БУГУН — МИЛИЦИЯ КУНИ



ЖИНОЯТ-ЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ олдини олиш хизмати республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги ички ишлар идоралари тизимида 1989 йилда ташкил этилган. Унинг зиммасига аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш юклатилган.

Ўтган беш йил мобайнида мазкур хизмат томонидан кўп сонли участка вакиллари, воёга етмаганлар билан ишлаш ходимлари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Улар ўз йўналишлари бўйича меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, методик қўлланмалар билан таъминланди. Аҳоли ўртасида уларнинг обрўсини кўтариш учун барча имкониятлар ишга солинди. Халқ билан ҳамкорликда ишлаш ушбу ходимларнинг фаолиятига баҳо беришдаги асосий мезон деб белгилаб олинди.

Бундан ташқари бошқарманинг жойлардаги тизимлари ишини тўғри ташкиллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш, халқ оммаси ўртасида ҳуқуқ-тартибот ишларини янада жойлантириш, мустақил давлатимизнинг асосий Қомусида кўрсатилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада жипслаштиришга ҳаракат қилинаётди.

Ички ишлар идораларининг барча хизматларини ҳамда жамоатчиликни жалб қилган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган умумтадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш ишларига алоҳида аҳамият берилди.

Бугунги кунда шунинг мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мана шу қисқа муддат ичида бошқарма фаолиятига тааллуқли барча асосий буйруқлар, йўриқномалар давлат тилида чоп этилиб, жойларга юборилди. Вазирлик билан қўйи тизимлар ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилиб, хизматнинг асосий йўналишлари аниқ-равшан белгилаб олинди.

Қисқа қилиб айтганда, ушбу хизмат ички ишлар идораларининг бошқа тизимлари билан бир тан ва бир жон бўлиб, меҳнатқош халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Илхом ХИЛВАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Жиноятчиликнинг олдини олиш
бошқармаси бошлиғи, милиция
полковниги.

ИЧКИ ИШЛАР идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналари 42 йилдан бери мавжуд. Улар шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi қўриқларда жойлашган қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кўпини, шунингдек фуқароларнинг хонадонларини ишонли равишда қўриқламоқдалар.

Қўриқлаш асосан марказлаштирилган қўриқлаш пулти (МКП)га жойлаштирилган қўриқлаш-енгидан оғоҳлантириш воситалари ёрдамида таъминланади. Хар бир МКПда ушлаш гуруҳларининг милиция нарядлари ва бошқарув пултиларининг ходимлари куну тун навбатчилик қилади.

Қўриқлаш бўлиналари — ички ишлар идоралари тизимида энг кўп сонли хизматдир. Унга милиция ва идоравий қўриқлаш ходимлари, қоровуллар ва назоратчилар киради. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, қоровуллар ва идоравий қўриқлаш ходимлари ўз ҳолича ишламайдилар, балки доимо милиция қўриқлаш бўлиналари ходимларининг ҳомийлигида бўладилар. Милиционерлар биринчи сигналдаёқ уларга хизматни ўташда ҳам, ҳуқуқбузарлар еки жиноятчиларни тутишда ҳам ёрдамга келадилар.

Бўлиналарнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: иқтисодиёт объектлари, ширкатлар, ижарадаги қорхоналар, алоҳида муҳим объектларнинг, шунингдек фуқароларнинг шахсий мулкни сақладиган хоналарнинг қўриқлаш шартномалар асосида таъминлаш; идоравий бўйсунушидан қатъи назар, республика ҳудудида қўриқлаш бўлиналарини текшириб туриш; қўриқлаш нарядлари хизмат кўрсатаётган жойларда ҳуқуқбузарлар ва жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш. Қўриқланадиган объектлар ва фуқароларнинг хонадонларида

ўтирликлар бўлишига йўл қўймаслик қўриқлаш хизматига баҳо беришда асосий мезондир.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон ва республиканинг 10 вилояти қўриқлаш бўлиналари ана шу вазифани муваффақият билан бажармоқда. Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларининг ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқланаётган объектларда бирорта ҳам ўтирликка йўл қўймадилар.



Бир қатор вазирликлар ва идоралар ўз қўриқлаш хизматига эга, лекин бизга бўлиналаримиз таркибига кирмайдиган ана шу қўриқловчиларнинг "хушёрлиги"ни текшириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Объект еки хонадонни қўриқлаш учун шартнома тузилган чоғда хизматимиз ўтирлик натижасида етказилган зарарнинг тўлиғига кафолат беради. Лекин биз ўз вазифаларимизни пала-партиш бажарадиган бўлсакки шундай қиламиз. Идоравий қўриқлаш хизмати бундай мажбурият бермайди. ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналарининг афзал эканлиги кўриниб турибди — биз ўзига хос

сугурта идорасининг ролини бажарамиз.

Шунингдек биз махсус банк муассасалари, хорижий қорхоналар, фирмалар ва қўшма қорхоналарнинг пул бойликлари ҳамда мол-мулкни қўриқлаш таъминлаш (албатта шартнома асосида) ҳуқуқига эгамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" республика бирлашмаси ва жойлардаги тармоқлари вазирлик ва идоралар

ҳуқуқига эгадирлар.

Бугунги кунда "Қўриқлаш" хизмати фан ва техниканинг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган замонавий ташвишгоҳ воситалари билан жиҳозланган. Хизматимиз республикада давлат, жамоат мулкни ва фуқароларнинг шахсий мол-мулкни қўриқлаш билан давлат даражасида шуғулланувчи ягона профессионал ташкилотдир.

Қўриқлаш хизмати олдида турган вазифаларни муваффақият билан бажариш шахсий таркиб билан ишлашга чамбарчас боғланган. Шунинг учун бирлашма раҳбарияти унинг жойлардаги бўлиналари, раҳбар таркиб олдида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича масъулиятли вазифалар турибди.

Биз ходимларни, айниқса еш ходимларни мафкуравий чиниқтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор бермоқдамиз. Хар ҳафтада ўтказилаётган маърифат дарслари қўриқлаш ходимларини тарбиялашда таъсирчан воситадир. Лекин яқма-яқка иш олиб бориш тарбиянинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. У еки бу ходимга ғоятда самарали таъсир кўрсатиш, унинг иродаси ва куч-гайратини хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришга йўналтириш имконини беради.

Шунинг аниқ-равшан қилиб айтмоқчиманки, қўриқлайдиган воситаларимиз ҳам, иқтидорли ходимларимиз ҳам етарли. Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган, хизматимиздан фойдаланишни истаганларнинг барчаси буни билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмайди.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
"Қўриқлаш" республика ҳузуридаги
бирлашмасининг бошлиғи,
милиция полковниги.



МАҚСАДИМИЗ ҲАМ, ВАЗИФАМИЗ ҲАМ БИР

РЕСПУБЛИКАМИЗ Ички ишлар вазирлиги таркибидаги барча хизматлар қатори давлат енгин назорати, ўт ўчириш хизмати ходимлари ҳам ҳалол ва виждонан хизмат қилиб келмоқдалар.

Бизнинг асосий вазифамиз халқ хўжалиги, қорхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида енгин хавфсизлигини таъминлаш, табиий офат, фалокат ва енгин содир бўлганда фуқаролар ҳаётини, соғлигини, халқ ва давлат мулкни, шунингдек, миллий бойликларимизни сақлаб қолишдан иборат. Айтиш мумкинки, ўт ўчириш хизмати ходимлари бу ишларни кўнгилдагидек удаламоқдалар.

Ўз бурчига садоқатли ходимларимиз республика бўйича 11486 бор юз берган енгинни даф қилишга, қарийб 200 фуқаронинг ҳаётини ва 45 миллиард сўмдан ошиқ мол-мулкни сақлаб қолишга эришдилар.

Ўрни келганда ходимларимизнинг Мингбулоқ нефть қонида кўрсатган мислсиз жасоратларини эътироф этмасак бўлмас. Бу борада Ўзбекистон ИИВ ЁСБ ходимлари ички хизмат полковниги Евгений Новиков, ички хизмат подполковниги Тимур Азимов, ички хизмат майори Абдулла Қўлдошевларнинг хизматлари таҳсинга муносибдир.

Наманган вилояти ИИБ Енгиндан сақлаш бўлими бошлиғининг муовини, ички хизмат подполковниги Миниур Қасимов эса Мингбулоқ нефть қонини ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнати учун республикаимиз Президентининг

фармонида биноан Ўзбекистон Республикасининг фахрий ерлиги билан тақдирланди.

Айни дамда ўт ўчириш хизматининг моддий-техника баъзасини янада мустаҳкамлашда, шунингдек енгинлар миқдорини кескин камайтириш мақсадида биз барча ички имкониятларимизни чуқур ўрганиб, олдимизда турган муаммоларни ечишга катта эътибор қаратганимиз ва келгуси режаларимизни шу асосда тузиб қўяганимиз.

Ўт ўчириш хизмати ходимлари нафақат енгиннинг олдини олиш ва уни ўчириш ишларида, балки милиция ходимлари билан бир сафда туриб, жамоат тартибини сақлаш, иқтисодий жиноятларни очиш, ўтирлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида ҳам анчагина ишларни амалга оширмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, республика енгиндан муҳофаза қилиш ходимлари номидан она юртимиз ва халқимиз осойишталигини таъминлаш борасида туну кун тиним билмай хизмат қилаётган барча милиция ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этаман. Мақсадимиз, ниятимиз бир. Шу йўлда майли қийинчилик бўлсин, майли машаққат бўлсин, аммо тиним билмаслигимиз лозим.

А. ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Енгиндан сақлаш бошқармаси
бошлиғи, ички хизмат полковниги.



ЙЎЛЛАРИНГИЗ КЕНГ, РАВОН БЎЛСИН

РЕСПУБЛИКА Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан ички ишлар идораларининг бошқа хизмат соҳалари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ва қондабузарликларнинг олдини олиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари сони 14,6 фоизга, ҳалок бўлганлар 9,9 ва жароҳатланганлар 16,3 фоизга, болалар иштирокидаги ҳодисалар сони 9,8 фоизга, ҳалок бўлганлар 0,9 ва жароҳат олганлар 1,1 фоизга, маст ҳайдовчилар томонидан содир этилган ҳодисалар 12,8 фоизга, ҳалок бўлганлар 12,2 ва жароҳатланганлар 10,4 фоизга камайдди.

Давлат автомобиль назорати фаолиятини белгиловчи, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бўлган 30 га яқин меъёрий ҳужжатлар давлат тилида қайтадан ишлаб чиқилди.

Маҳаллий шароитларимиз инобатга олиниб тайерланган янги — "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" шу йил 1 сентябрдан кучга кирди.

Давлат автомобиль назорати идоралари чет элда ишлаб чиқарилган "Опель", "Дога"

русумли автомобиллар, "Хонда" мотоцикллари, компьютерлар, турли хил техника ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Вазиримизнинг 1993 йил 20 октябрдаги кўрсатмаси асосида аҳамиятини йўқотган, кўримсиз ҳолда бўлган ДАН масканлари қисқартирилди, янги 15 та ДАН масканлари қурилди. Республикаимизнинг барча ДАН бинолари ва масканларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Уларнинг атрофига 26941 туп мева, 35312 туп манзарали ва турли хил гул қўчатлари ўтказилиб, кўкаламзорлаштирилди. ДАН масканлари керакли жиҳозлар, анжомлар билан таъминланди.

ДАН ходимларининг фаолияти халқимиз кўз ўнгиде бўлишни инобатга олиб, уларнинг ҳалол-пок, ўз касбини пухта эгаллаган бўлишларига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу соҳага Ватанига, халқига садоқат билан хизмат қиладиган, жисмонан соғлом, қадди-қомати келишган, ҳалол, хушмуомалали, ўз касбини севадиган, техникани яхши эгаллаган йигитларни танлов асосида қабул қилиб, уларни ўз касбининг моҳир устаси бўлишларига ҳаракат қилмоқдамиз.

М. БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ДАН бошқармаси бошлиғи,
милиция полковниги.